



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 17.01.2022 г. № 5-2022/SR

между ЦЭМС и Қуйи Сирдарё ИТХБ қошидаги Сирдарё насос станциялари энергетика бошқармаси на общую сумму 22494,00

Глава _____ 170
Казначейский лицевой счёт _____ 100021860244017042402170003

(в суммах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4299990			
Январь	22 494,00			22 494,00
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	22 494,00			22 494,00

Всего 22494,00 сум

Двадцать две тысячи четыреста девяносто четыре сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 6748,20 сум или 30,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в _____ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____ % от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

Главный бухгалтер заказчика

Принял работник казначейского подразделения _____

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

(подпись)

Абдуллаев Давронжон Вахобжон ўгли

Ф.И.О.

(подпись)

Тўйчибаев Манасбой Бабаназарович

Ф.И.О.

Получил работник заказчика _____

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

ШАРТНОМА № 5-2022/SR

Гулистон шаҳри

"17" 01 2022 йил

Ушбу шартнома **SIRDARYO NASOS STANSIYALARI VA ENERGETIKA BOSHQARMASI**, кейинги ўринларда «Фойдаланувчи» номидан раҳбари Д.В. Абдуллаев бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси («ЭМММ» ДУК) Сирдарё вилояти «Электромагнит мослашув хизмати» (Сирдарё «ЭММХ»), Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар **Хожаниязов И.А.** томонидан қуйидагиларга келишган ҳолда тузилди:

1. Шартнома мазмуни

1.1. Радиоэлектрон воситалардан (РЭВ) фойдаланишга муайян радиочастоталар ёки радиочастота тасмаларини тақдим этиш.

«ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ» томонидан Фойдаланувчига электромагнит мослашувчанликни ҳисоблаш ва назорат қилиш, РЭВ ва радиочастоталарни рўйхатдан ўтказиш хизматларини кўрсатиш.

1.2. Чет эл алоқа маъмуриятлари билан радиочастота тақдимотларини мувофиқлаштириш тайёргарлик бўйича хизматлар, шунингдек РЭВ ва радиочастота тақдимотларини Халқаро электралоқа иттифоқида (ХЭИ) рўйхатдан ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатиш.

1.3. «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ» томонидан Фойдаланувчига ажратилган радиочастота ресурсининг техник тайёрлигини таъминлаш ва ундан фойдаланишни назорат қилиш учун кўрсатиладиган хизматлар, шунингдек, фойдаланувчининг радиоэлектрон воситаларига халақит берадиган радиошовкинларни бартараф этиш бўйича ишларни амалга ошириш.

2. Томонларнинг мажбуриятлари

«ЭМММ» ДУК Сирдарё ЭММХ мажбуриятлари:

2.1. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, РЭВни харид қилиш ва ўрнатиш, лойиҳалаштириш ва қуриш, хориждан олиб кириш ва фойдаланиш учун рухсатномаларни расмийлаштиради. Лойиҳалаштириш ва қуриш, шунингдек фойдаланиш учун берилган рухсатноманинг амал қилиш муддати, Фойдаланувчига телекоммуникация соҳасида фаолият юритиши учун берилган Лицензиянинг амал қилиш муддатидан ошмаслиги зарур.

2.2. Фойдаланувчининг РЭВларини рўйхатдан ўтказиш ва шу билан боғлиқ барча керакли ишларни бажариш билан шуғулланади.

2.3. Электромагнит мослашувчанлик экспертизасини ўтказиш, зарур ҳолларда, радиоачастота тақдимотларини хорижий давлат алоқа маъмуриятлари билан мувофиқлаштириш ишларини амалга оширади.

2.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек, фойдаланувчининг ёзма сўровига биноан, фойдаланувчининг барча турдаги радиоэлектрон воситаларини ва радиоалоқа тизимларини ўрнатилган тартибда Халқаро электралоқа иттифоқида рўйхатдан ўтказиш.

2.5. Хорижий давлат алоқа маъмуриятлари билан радиочастота тақдимотларини мувофиқлаштиришда, шунингдек радиочастоталарни тайинлаш ва радиоэлектрон воситалар ва радиоалоқа тизимларини Халқаро электралоқа иттифоқида рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ мунозарали масалалар юзага келганда, Фойдаланувчининг қонуний ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилади.

2.6. Фойдаланувчининг РЭВларига бўладиган радиоҳалақитлар таъсирини белгиланган муддатда бартараф этишни таъминлайди.

2.7. Фойдаланувчининг РЭВларининг ишлаши устидан техник радионазоратни амалга оширади.

Фойдаланувчи мажбуриятлари:

2.8. РЭВни харид қилиш (олиш, бериш), лойиҳалаштириш, куриш (ўрнатиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш), хориждан олиб кириш ва РЭВдан фойдаланишда белгиланган тартибга риоя қилади.

2.9. РЭВдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларда назарда тутилган, РЭВга тақдим этилган радиомаълумотларга асосан, амалдаги радионурланиш ва бошқа талабларга мувофиқ ишлашини таъминлаш.

2.10. Фойдаланувчига тегишли бўлган РЭВлар ва радиоалоқа тизимларининг радиоалоқа қурилмалари ва айрим операторларнинг тизимларига, шу жумладан қўшни давлатлар алоқа маъмуриятининг операторларига радиохалақитлар пайдо бўлишининг олдини олиш бўйича чоралар кўриш.

2.11. Радиоалоқадан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя қилиш.

2.12. «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ» томонидан кўрсатилган хизматлар учун тақдим этилган ҳисоб-варақа фактурага мувофиқ ўз вақтида (10 кундан кечиктирмай) тўловларни амалга ошириш.

2.13. «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ» га ҳисоб-китобларни ўтказиш ва тегишли рухсатномаларни тақдим этиш учун зарур бўлган барча керакли ҳужжатлар ва материалларни тақдим этиш.

2.14. «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ» га Халқаро электроалоқа иттифоқида (ХЭИ) радиочастота тақдимотларини, радиоэлектрон воситалар ва радиоалоқа тизимларини рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш мақсадида барча керакли ҳужжатлар ва маълумотларни, шунингдек мувофиқлаштириш зоналарини аниқлаш бўйича амалга оширилган ҳисоб-китобларни тақдим этиш.

2.15. РЭВдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларни муддатини узайтиришда, «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ» га аввалги даврдаги рухсатномаларни тақдим этиш.

2.16. Техник назорат доирасида Фойдаланувчи томонидан ишлатилаётган РЭВга «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ» нинг мансабдор шахсларини тўсиксиз киришни таъминлаш.

2.17. РЭВ хавфсизлигини таъминлаш.

2.18. Фойдаланувчи ишлатаётган РЭВлар, телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини қабул қилишга ва бошқа РЭВларга радиохалақит манбаи Фойдаланувчи ўзининг РЭВи бўлса, уни бартараф этишда «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ» томонидан қилинган харажатларни коплаш.

2.19. Фойдаланувчининг РЭВ ва радиоалоқа тизимлари, хорижий давлат алоқа маъмурияти ва алоҳида радио операторлари фаолиятига халақитли таъсир ҳосил қилганда, ушбу масалаларни ҳал қилиш учун «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ» томонидан сарфланган харажатларни коплаш.

2.20. «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ» томонидан юборилган тавсияларга (шу жумладан техник тавсияларга) амал қилиш.

2.21. Агар Лицензияловчи орган фойдаланувчига телекоммуникация соҳасидаги фаолият тури учун берилган Лицензияни тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилса, радиоэлектрон воситаларнинг ишлашини тўхтатишни таъминлаш.

2.22. Радиочастотадан фойдаланиш тўхтатилганда ёки РЭВ фаолиятига берилган лицензияни ва РЭВнинг ишлашига берилган рухсатномалар бекор қилинган тақдирда, РЭВ фаолияти тугатилгандан сўнг, 10 кун муддат ичида «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ»га РЭВни демонтаж қилинганлиги ёки сақлашга берилгани ҳақида Далолатнома нусхасини тақдим этади, ҳамда фойдаланиш учун берилган рухсатномани қайтаради.

3. Томонларнинг ҳуқуқлари

«ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ» ҳуқуқлари:

3.1. Фойдаланилаётган РЭВнинг устидан техник назоратни олиб бориш.

3.2. РЭВлардан фойдаланиш тартибига риоя қилмаслик, радиохалақитларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар бажарилмаслиги, радиоалоқадан фойдаланиш қоидалари бузилиши, ҳамда амалдаги радионурланиш параметрлари стандартларига мос келмаган ҳолларда, РЭВлардан фойдаланишни тақиқлаш.

3.3. Фойдаланувчига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар бериш.

3.4. Лицензия берувчи орган Фойдаланувчига телекоммуникация соҳасидаги фаолият тури учун берган Лицензияни тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, тақдим этилган радиочастота ва РЭВлардан фойдаланишга берилган рухсатномаларни тўхтатиш ёки бекор қилиш.

3.5. Қуйидаги ҳолларда РЭВлардан фойдаланишга берилган рухсатномалар бекор қилиниши мумкин:

- рухсат берилган кундан бошлаб 6 ой ичида тақдим этилган радиочастоталардан фойдаланмаслик;

- «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ» тариф тўловларини тўлаш учун, шунингдек радиочастота спектридан фойдаланганлик учун фойдаланувчида мавжуд бўлган муддати ўтган дебиторлик қарзлари мавжуд бўлса;

- Фойдаланувчи томонидан РЭВларни рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланишнинг белгиланган тартибини қўпол равишда бузган ҳолларда.

3.6. «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ» қуйидаги ҳолларда Фойдаланувчининг РЭВлардан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб туриш ёки чеклашга ҳақли:

- РЭВларни рўйхатдан ўтказиш ва уни фойдаланиш тартибини бузилишини бартараф этилгунга қадар;

- алоҳида ҳолатларда, шунингдек Радиочастоталар бўйича республика кенгаши (РЧРК) томонидан киритилган чеклов ва тақиқлар асосида алоҳида радиочастоталардан фойдаланиш зарурияти бўлса.

3.7. Фойдаланувчига қўйилган тўлов варақаси банкнинг 10 иш куни муддатида тўланмаса, инкассага акцептсиз тўлов талабномаси қўйиш ва Фойдаланувчининг ҳисоб рақамидан тўлов ундириш.

Фойдаланувчи ҳуқуқлари:

3.8. РЭВлардан фойдаланиш учун берилган рухсатнома доирасида тақдим этилган радиочастоталардан фойдаланиш.

3.9. ХЭИда радиочастоталарни рўйхатдан ўтказиш учун «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ» га маслаҳатлар ва тавсиялар учун, мурожаат қилиш.

3.10. РЭВларга таъсир қилувчи радиохалақитларни ўз вақтида бартараф қилиш учун «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ»га мурожаат қилиш.

3.11. Тақдим этилган радиочастоталардан воз кечиш ҳамда РЭВлардан фойдаланишни тўхтатиш.

4. Кўрсатилган хизматлар учун тўлов ва ҳисоб-китоб тартиби

4.1. Ушбу шартнома бўйича барча «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ» хизматларининг нархи (частоталарни тақдим этиш ва РЭВга рухсатнома бериш учун тўлов, эълон қилинган радиочастоталарни хорижий давлат алоқа маъмуриятлари билан мувофиқлаштириш ва ХЭИда радиочастоталарни рўйхатдан ўтказиш учун хизматларнинг нархи, радиочастоталардан фойдаланиш учун тўлов ва бошқалар) тақдим этилган ҳисобварақ-фактураларга асосан белгиланади.

Ушбу шартнома бўйича 01.01. - 31.12.2022 йил давомида кўрсатиладиган хизматлар қиймати 22494,00 сўмни ташкил қилади.

Бундан 22494,00 сўм фойдаланилаётган РЭВлар учун;

бир маротабалик тўловлар-3720,00 сўм.

4.2. Шартномада кўрсатилган хизматлар учун «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ» ва Фойдаланувчи ўртасида ҳисоб-китоб, Электромагнит мослашув экспертизаси, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш бўйича хизматлар тарифларига мувофиқ амалга оширилади (Тарифлар).

4.3. Бир маротабалик тўланадиган тўловлар тарифларга мувофиқ тўғридан-тўғри тегишли рухсатнома (олиб кириш, харид қилиш, ўрнатиш, лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланиш ва бошқаларга) берилишидан олдин амалга оширилади.

4.4. Фойдаланиш учун тўловлар РЭВлардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар берилишидан олдин фойдаланишнинг биринчи ойи учун тўланади ва кейинчалик ҳар ойнинг 10 санасигача жорий ой учун йиллик миқдорнинг мутаносиб қисмида тўланади.

4.5. Фойдаланувчи фойдаланиш тўловининг йиллик миқдорини бирдан тўлашга ҳақлидир.

4.6. Тарифлар ўзгарган тақдирда, Фойдаланувчи янги тарифлар жорий қилинган даврдан бошлаб қўшимча тўлов тўлайди.

4.7. Фойдаланувчи берилган ҳисобварақ-фактура олган кундан бошлаб банкнинг 10 иш куни ичида тўлаши керак.

4.8. Тарифларда кўзда тутилмаган иш ва хизматларнинг нархи томонлар ўртасида келишилган нархлар ва харажатлар сметаси асосида тўланади.

4.9 Фойдаланувчи мазкур шартномани Ғазначилиқдан рўйхатга олинган кундан бошлаб, 10 банк иш куни ичида шартномада кўрсатилган тўлов қийматини 15% миқдорида аванс тўловини амалга оширади. Қолган 85% ни фойдаланувчи ҳисоб-фактура ва бажарилган иш далолатномасини олгандан сўнг 10 банк иш куни ичида тўлайди

5. Томонларнинг масъулиятлари

5.1. Ушбу битим бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

«ЭМММ» ДУК Сирдарё ЭММХ нинг масъулиятлари:

5.2. Тегишли рухсатномалар бериш ва радиоҳалақитларни бартараф этиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқишнинг амалдаги меъёрий ҳужжатларида белгиланган муддатларга риоя қилиш.

5.3. Ушбу шартномага асосан ишлар ва хизматларнинг ўз вақтида ёки нотўғри бажарилгани учун, «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ» фойдаланувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисми қийматининг 0,5 фоизи миқдорида жарима тўлайди, лекин бу қиймат хизматлар нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

5.4. Фойдаланувчининг тижорат сирларини ошкор қилмаслик.

5.5. Радиочастоталарни нотўғри белгилаш натижасида радиоҳалақитлар вужудга келса, «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ» фойдаланувчи билан келишган ҳолда, танланган бошқа радиочастоталарни тўловсиз тақдим этади.

Фойдаланувчининг масъулиятлари:

5.6. «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ» томонидан кўрсатилган хизматлари ва амалга оширилган ишлари учун тақдим этилган ҳисобварақ-фактураларини ўз вақтида тўлаш.

5.7. «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ»га тақдим этилган РЭВлар сони, уларнинг техник хусусиятлари, ўрнатиш манзили, қуввати, шунингдек ХЭИда рўйхатдан ўтказиш учун

радиочастота тақдими ва электромагнит мослашувчанлик ҳисоб-китоблари учун зарур бўлган бошқа маълумотлар ишончилиги учун.

5.8. Фойдаланувчи айби билан бошқа фойдаланувчилар РЭВларида радиохалакитлар вужудга келса, радиохалакитни бартараф этиш бўйича «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ» харажатларини қоплаш.

5.9. Фойдаланувчининг мансабдор шахслари чет элдан харид қилиш (бериш), куриш (ўрнатиш), олиб кириш шунингдек РЭВларни рўйхатдан ўтказиш ва фойдаланишнинг белгиланган тартибини ва "Радиоалоқадан фойдаланиш қоидаларини" (21.02.2006 й. 1547-сон билан Адлия Вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган) қонунларини бузганлик учун жавобгардирлар.

5.10. Тўлов талабини қабул қилишдан асоссиз равишда тўлиқ ёки қисман рад этиш, шунингдек хизматлар учун тўловни тўлашдан бўйин товлаш учун Фойдаланувчи «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ»га тўлашдан қочган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.11. «ЭМММ» ДУК Сирдарё «ЭММХ» томонидан амалга оширилган хизматлар ва ишлар учун тақдим этилган ҳисобварақ-фактураларни ўз вақтида тўламаганлиги учун, фойдаланувчи ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов миқдорининг 0,5 фоизини тўлайди, лекин бу тўлов муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаслиги лозим.

6. Фавқулдда вазият

6.1. Иккала томон ҳам ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади, агар бу ҳол шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган фавқулдда ҳодисалар натижасида юзага келиши кутилмаган ва олди олинмайдиган фавқулдда ҳодисалар натижасида содир бўлган бўлса, яъни уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, зилзилалар, тошқинлар, ёнғинлар, эпидемиялар, эпизоотия, давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, қонунчиликдаги ўзгаришлар (форс-мажор).

6.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган томон, кўрсатилган ҳолатлар юзага келган пайтдан бошлаб 10 кун ичида бошқа томонга хабар бериши ва ушбу ҳолатларни тасдиқловчи ёзма ёки бошқа далилларни тақдим этиши лозим.

7. Коррупцияга қарши курашиш шартлари

7.1. Томонлар, уларнинг ҳар бири порахўрлик ва коррупцияга умуман тоқат қилмаслик сиёсатини олиб боришини тан оладилар ва тасдиқлайдилар, бу коррупция ва кўмак бериш учун тўлашнинг тўлиқ тақиқланишини назарда тутаяди, уларнинг мақсади расмиётчиликка кўмаклашишдир. Томонлар ўз фаолиятида амалдаги қонунлар ва унинг асосида пора бериш ва пора билан курашишга қаратилган ишлаб чиқилган сиёсат ва процедураларни бошқаради.

7.2. Томонлар на улар ва на уларнинг ишчилари томонларнинг бирон бир шахсига коррупцион тўловларни тақдим этишни таклиф қилмасликлари, тақдим этишлари ёки уларга розилик беришлари шунингдек тарафларнинг тўғридан-тўғри ёки билвосита бирон бир шахсдан ҳар қандай коррупция тўловлари олиш, қабул қилиш ёки қабул қилишга рози бўлмасликларига қафолат беришади.

7.3. Агар Томонлардан бири 7.1 ва 7.2-бандларнинг бирон бир қоидалари бузилиши содир бўлган ёки юзага келиши мумкин деб тахмин қилса, тегишли Томон расмий Тармок каналлари орқали бошқа Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбурдир. Ёзма хабарномада Томон ушбу Шартноманинг 7.1 ва 7.2-бандларининг ҳар қандай қоидалари бузилганлиги ёки содир бўлиши мумкинлиги тўғрисида тасдиқловчи ёки асос бериш учун далилларга мурожаат қилиши ёки материалларни тақдим қилиши шарт.

8. Бошқа шартлар

8.1. Ушбу шартноманинг бекор қилиниши Фойдаланувчига берилган рухсатномаларнинг бекор қилинишига олиб келади ва тақдим этилган радиочастоталар бошқа фойдаланувчиларга бириктирилиши мумкин.

8.2. Фойдаланувчининг баланси (ижара)даги РЭВлар рўйхати шартномага илова тариқасида берилиши шарт ва уни амалга оширилиш жараёнида томонлар рўйхатга аниқликлар киритишлари мумкин.

8.3. Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришларга мувофиқ ёки томонларнинг келишувига биноан амалга оширилади.

9. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1. Шартноманинг муддати рухсатномаларнинг амал қилиш муддати билан белгиланади, ammo у фойдаланувчига телекоммуникация соҳасидаги фаолият тури учун берилган Лицензиянинг амал қилиш муддатидан узокроқ бўлиши мумкин эмас.

9.2. РЭВлардан фойдаланиш учун рухсатномаларнинг муддатини узайтирганда, шартноманинг муддати кейинги амал қилиш даврига узайтирилган деб ҳисобланади.

9.3 Ушбу шартнома қуйидаги ҳолларда автоматик равишда бекор қилинади:

- РЭВлар ишини тўлиқ тугатиш ва Фойдаланувчининг тақдим этилган радиочастоталардан бош тортиши;

- РЭВлардан фойдаланиш учун берилган рухсатномаларни бекор қилиниши;

- телекоммуникация соҳасидаги фаолият тури учун Фойдаланувчига берилган лицензиянинг тўхтатилиши ёки бекор қилиниши.

9.4. Томонларнинг бири шартнома талабларини бузиши оқибатида бошқа томон ташаббуси билан шартнома фаолияти тўхтатилиши мумкин. Шартноманинг тўхтатилиши тўғрисида бир томон, шартнома тўхтатилгани муддатидан бир ой олдин ёзма ҳолда иккинчи томонни огоҳлантиради.

9.5. **Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва «31» декабр 2022 йилгача амал қилади.**

Сирдарё вилояти «ЭММХ»

Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри,

И.Каримов кўчаси, 81-уй 22 хонада

Ҳисоб рақам 20210000200155263007

АИТБ "Ипотекабанк"нинг

Сирдарё филиали

МФО 00364 СТИР 201057444

ОКЭД 61900

ККС коди: 326080011605

Тел/Факс: 67 235 -01-00



Хожаниязов И.А.

Хуқуқий хулоса

1. Ушбу битим иқтисодий муносабатларни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг II қисми 38-боби ва Ўзбекистон Республикасининг 08.29.98 йилдаги "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида"ги қонунда белгиланган нормаларига мувофиқ тартибга солинади.

2. Ушбу шартноманинг шартлари Ўзбекистон Республикасининг "Радиочастота спектри тўғрисида"ги, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар талабларига жавоб беради.

3. Шартнома бўйича жавобгарлик чоралари ва низоларни ҳал қилиш тартиби қонун талабларида белгиланган нормаларга асосан амалга оширилади.

"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддаси асосида амалга оширилган юридик экспертизани ўтказгандан сўнг, қуйидагича хулоса қиламан: "Ушбу битим хўжалик шартномаси сифатида ишлатилиши мумкин".

Фойдаланувчи

Сирдарё ҲЛ ва ҲБ Ҳул. шаҳар

Ҳ.Темур-53 Тел. 67-224-36-85

Л/с: 100021860244014042402140003

МҚО: 00014 ИНН: 200969694

МБ.Х.К.М.Том.ш. Б.Б.Мол.Ваз.Вазноҳимши

У.р.23402000300100001010 ИНН: 201122919



РАЪБАР

Д.В. Ҳодушаев

Ҳурият: *У. Мирбобоев*

2022 йил « 17 » январь даги 5-2022/SR сонли шартнома илова

Шартномада кўрсатилган жами сумма 2022 йил учун 22494,00 сум

Эксплуатация йиғими:

Радиостанция- Vertex Standart, Лен-В

1. 6 дона x 1 частот x 1341 сўм =8046,00 сўм
2. 4 дона x 2 частот x 1341 сўм =10728,00 сўм
3. РЭВ Қайта рўйхатдан ўтказиш : 10 дона x 372 сўм =3720,00 сўм

Ойлар	Сумма
Январь	1564,50
Февраль	1564,50
Март	1564,50
Апрел	1564,50
Май	1564,50
Июнь	1564,50
Июль	5284,50
Август	1564,50
Сентябрь	1564,50
Октябрь	1564,50
Ноябрь	1564,50
Декабрь	1564,50
Жами:	22494,00



Хожаниязов И.А.



Фойдаланувчи



RUXSATNOMA № 1724-VHF-0186 РАЗРЕШЕНИЕ		
UQT baza stasionar radio stanciyasidan foydalanish huquqini beruvchi на право эксплуатации УКВ стационарной радиостанции		
Egasi: Министерство водного хозяйства		
Владелец: УНСиЭ		
O'rnatish manzili: Пункт установки: Сырдарьинская обл., г. Гулистан ОПУВХ		O'rnatish koordinatalari (sh.k.; sh.u.): Координаты (с.ш.; в.д.) 68°47'00" в.д. 40°30'00" с.ш.
Radiostanciya turi:- Тип радиостанции: Motorola M-208	Zavod raqami va ishlab chiqilgan vaqti: Заводской № и год изготовления: 778ТУС1433	
Quvvati (Vat): 10	Nurlanish kengligi va sinfi: Класс и ширина излучения: 18K0F3E	
Stanciya sinfi: Класс станции: Абонентская	Ishlash jadvali: Расписание работы: с 00.00 до 24.00	
Antenna		
Turi: Тип: Штырь	Balandligi: Высота: 16 метров	Nurlanish azimuti: Азимут излучения: 360*
Taqdim etilgan chastotalar (Mgc) Присвоенные частоты (МГц)	Qabul: Прием: 41,400 38,225	Uzatisht: Передача: 41,400 38,225
Chaqiruv nomi: Позывной сигнал: ЛОЧИН-1		
Uzatisht chastotasi turg'unligi: Стабильность частоты передачи: +10x10 ⁻⁶		Ohirida qabul qiladigan apparatura turi: Оконечная аппаратура: радиостанция
Korrespondentlar: Корреспонденты:		Stacionar radiostanciya Стационарные радиостанции
Qo'shimcha ma'lumotlar: Дополнительные сведения:		
<p>1. Ruhsatnoma yillik foydalanish to'lovlari va aloga xizmatlari uchun tariflar o'zgarishida go'shimcha tolovlari amalga oshirishi sharoitida naghnydir</p> <p>2. Ruhsat berilmagan radiokanalarda ishlash gatiyan tagiglanadi</p> <p>1. Разрешение действительно при условии оплаты ежегодных эксплуатационных сборов, а также своевременной доплаты при изменении тарифов на услуги связи.</p> <p>2. Категорически запрещается работа на неразрешенных радиоканалах.</p>		
Ruhsatnoma harakatdaligi muddati: Срок действия разрешения: до 01.07.2022y		
Berilgan sana «28» 07. 2021y.		
EMMX boshlig'i: <i>[Signature]</i>		I.A. Xo'janioyozov

